

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

ШАРТНОМА № 14024

Тошкент ш.

2022 йил “07” 04

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “ToshkentboshplanLITI” давлат унитар корхонаси номидан Устав ва АЛ-001230-сонли лицензия асосида иш кўрувчи Бош директор ўринбосари Р.С.Шарифов иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 5-апрелдаги 59956-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, куйидагилар тўғрисида тuzдилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи “Тошкент шаҳар Бектемир тумани, “Олтинтопан” кўчасининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш” (АРТ 1-2, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда) объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (ҚҚС билан) 90 000 000 (Тўқсон миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.



3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзгатишган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса,



ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган кўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун муружаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро



этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.



10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.


11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING
KOMPANIYA” ДУК

Юридик манзили:

100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси,
16А-уй.



Директор в.б. _____

Р.У.Кучкаров



БАЖАРУВЧИ

“ToshkentboshplanLITI” ДУК

Юридик манзили:

100100 Тошкент ш. Яккасарой туман,
Бобур кўчаси 14-уй.

х/р: 2021 0000 0001 7697 0001

ЧАБ «Трастбанк» Яккасарой филиали

МФО: 01098

СТИР: 200 624 959; ОКЭД: 71110

Бош директор

ўринбосари _____

Р.С.Шарифов





“Тасдиқлайман”

Тошкент шаҳар ҳокимияти

“ЯБХ” ИК директори в.б.

Комиссия раиси

Р.У. Кучкаров

Тошкент шаҳар

07.04 2022й.

**“Бектемир тумани “Олтинтопган” кўчасининг меъморий қиёфасини
замонавийлаштириш ва ободонлаштириш (АРТ 1-2, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга
олган ҳолда)” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа
ташкilotини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов
комиссияси йиғилишининг
БАЁНИ**

Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев

-Бош муҳандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб
чиқаришни маҳаллийлаштириш ва
саноатда кооперация алоқаларини
кенгайтириш бўйича масалалари
ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг
ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди
асосида бир шартнома бўйича БҲМ
2 500 бараваридан ортиқ бўлса
иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

Абдунабиев А.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

КУН ТАРТИБИ

“Бектемир тумани “Олтинтопган” кўчасининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш
ва ободонлаштириш (АРТ 1-2, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объекти
бўйича (кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С. Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, А. Абдунабиев)

Компания томонидан 2022 йил 28 март куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-
ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета
ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкilotини танлаш мақсадида № 59956 лот
рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон
портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган
таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва
қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда
"TOSHKENTBOSHPLANLITI" ДУК ғолиб бўлганини инобатга олиб комиссия аъзолари
фикр алмашган ҳолда:


ҚАРОР ҚИЛДИ:


1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилди. Икки иш қуни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 5 апрелдаги электрон баённомасига асосан “Бектемир тумани “Олтинтопан” кўчасининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш (АРТ 1-2, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “TOSHKENTBOSHPLANLITI” ДУК билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.


Комиссия аъзолари:


С. Сағдиев


Ш. Қодиров


О. Хамидов


П. Абдусатторов


А. Абдунабиев



Тошкент шаҳар ҳокимининг "Ягона буюртма чи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмачиликда қурилиши
марказлаштирилган маълумот хисобга амалга оширилгандан муҳаддислик-инфратузилма ва бошқа соҳа объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилини

2022 йилги МАНЗИЛЛИ РУХНАТИ
(Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори)

№	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бошланғич ва фойдаланиш шартлари тошириш йили	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосид) қуриладан, бўлганда, бошқа ҳажмга қайтарилган	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (қайта ҳисоблаш бўлганда, бошқа ҳажмга қайтарилган)	01.01.22 й. ҳолатига йилга ўтувчи объектнинг қиймати (қайта ҳисоблаш бўлганда, бошқа ҳажмга қайтарилган)	01.01.22 й. ҳолатига йилга ўтувчи объектнинг қиймати (қайта ҳисоблаш бўлганда, бошқа ҳажмга қайтарилган)	2022 йил учун капитал қўйимлар лимити			2022 йилда фойдаланишга топширилган		Асосий фонд суммаси	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (қайта ҳисоблаш бўлганда, бошқа ҳажмга қайтарилган)	01.01.23 й. ҳолатига йилга ўтувчи объектнинг қиймати (қайта ҳисоблаш бўлганда, бошқа ҳажмга қайтарилган)	Экспортга хулоса қилинган рақами ва санаси	Тендер (талло)лар натижасига бўйича беленма рақами ва санаси	Ташқилот номи	
							Жами капитал қўйимлар	Қурилиш - монтаж ишлари	Жиҳоз	Жами	Қуридан қуридан							
1	Бестемир тумани "Олтинтоғ" кўчасининг меъморий кўчасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	2022 йил	3,5 км	4668,00	4 551,304	116,696	51 715,000	50 443,162	0,000	1 271,838	0,000							Тендер
2	Мирза Улугбек тумани "Шарфнобод" кўчасининг меъморий кўчасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	2022 йил	1,3 км	3 161,00	3 080,958	80,042	3 663,00	3 571,745		91,255								Тендер
3	Мирзоабду тумани "Тарас Шевченко" кўчасининг меъморий кўчасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	2022 йил	2 км	3 878,00	3 782,184	95,816	4 669,00	4 551,282		117,718								Тендер
4	Олмазор тумани "Шифокорлар 2" кўчасининг меъморий кўчасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	2022 йил	1,3 км	1 796,00	1 747,488	48,512	7 181,00	7 011,518		169,482								Тендер
5	Сергели тумани "Хонобод" кўчасининг меъморий кўчасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	2022 йил	1,7 км	4 669,00	4 551,282	117,718	3 233,00	3 149,874		83,126								Тендер
6	Учтепа тумани "Фозилтепа" кўчасининг меъморий кўчасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	2022 йил	3,8 км	7 181,00	7 011,518	169,482	3 233,00	3 149,874		83,126								Тендер
7	Чилонзор тумани "Катталар" кўчасининг меъморий кўчасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	2022 йил	1,4 км	3 233,00	3 149,874	83,126	3 233,00	3 162,434		70,566								Тендер
8	Шайхонтоғур тумани "Элфизасокиа" кўчасининг меъморий кўчасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	2022 йил	1,7 км	3 233,00	3 149,874	83,126												Тендер
9	Юнтонов тумани "А.Темур" кўчасининг меъморий кўчасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	2022 йил	1,4 км	3 233,00	3 162,434	70,566												Тендер
12	Туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий кўчасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш	2022 йил	27,3 км	51 715,000	50 443,162	0,000	51 715,000	50 443,162	0,000	1 271,838	0,000							

№	Объектлар номи ва манзили	Қуриш босқичи ва фойдаланиш шарафлари йили	Дойна кўрамини	Объектнинг учмаи қиймати (шартнома асосида) жумладан, бюджетдан, бошқа харажатлардан	01.01.22 й. ҳолатига қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилда ўтувчи объект қиймати (қайта хисоблаш билан) қолдиқ жумладан, бюджетдан, бошқа харажатлардан	01.01.22 й. ҳолатига йилда ўтувчи объектнинг қиймати жумладан, бюджетдан, бошқа харажатлардан	2022 йил учун капитал қўйимлар дини			2022 йилда фойдаланишда топширилмаган		01.01.23 й. ҳолатига йилда ўтувчи объектнинг қиймати (қайта хисоблаш билан) қолдиқ жумладан, бюджетдан, бошқа харажатлардан	01.01.23 й. ҳолатига йилда ўтувчи объектнинг қиймати жумладан, бюджетдан, бошқа харажатлардан	Эксперта (таъво)лар рақами ва бўғина байнона рақами ва санои	Ташвиҳот номи
								Жами капитал қўйимлар	Қуриш - монтаж ишлари	Жихоз	Жами	жумдан, саклаш харажатлари				
1																
10	Давлатроқ Тумани "Бобур" кўчасининг мемориал қиёфасини замонлаштириш ва ободлаштириш	2022 йил	2,2 км					3 951,00	3 851,078		99,922					Тендер
11	Давлатроқ Тумани "Чортоқ" кўчасининг мемориал қиёфасини замонлаштириш ва ободлаштириш	2022 йил	3,0 км					8 618,00	8 414,905		203,095					Тендер
12	Давлатроқ Тумани "Чулпон" ва "Юлдузчи" кўчаларининг мемориал қиёфасини замонлаштириш ва ободлаштириш	2022 йил	4,0 км					3 664,00	3 568,392		95,608					Тендер
	Қиёфасини замонлаштириш ва ободлаштириш							3 916,00								
	Тумани марказлари ва шаҳарларнинг мемориал қиёфасини замонлаштириш ва ободлаштириш							3 916,00								

"Қириқлик"

"Келишилди"

"Келишилди"



Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирлиги

" " " " 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартiriш вазирлиги

" " " " 2022 й.
А.Бобоєв

Handwritten signature

Handwritten signature

2022 й.